

Ричард Беренгартен
Richard Berengarten

Ахмад хожи Хоразмий таржимаси
Translated by Akhmad hoji Khorazmiy

Оқшом қирғоқда

....ҳозир кеч қирғанда

Порлаган Гелиос, жилвагар подшоҳ,
Ялтироқ тангадай, менга текканда,
Баданим жимирлаб жунбушга келиб,
Асабларим қоя мисол кўрганда.
Ва баданим жунбушдаким,
Сен сочган тилла шухлалардан,
Денгизга ва жалаларга мен нотвон.
Аввал бу ерда бўларди (ҳозир ҳам бор),
Уйлар, кўчалар бошқа шаҳарга тегишли,
Сен ўзгартирганлар эмас.

Қирғоқ бўйлаб кетмоқдамиз,
Балиқчилар кемаларини таёрламоқда кечки балиқ овига,
Моторлар тирриллар тумшуғида чироқча,
Барча шаҳар аҳли чиққан тоза ҳаво олишга.
Юрар жуфтлар қўллашиб, ёшлар эса виқорли,
Оналар ва оталар, болалар музқаймоқли,
Қариялар қарашиб кўчадаги кафелардан,
Ва тепаликдаги шаҳарга яқинлашмоқда эрка ҳайвонлар.

Ажиб бир кечки шухла денгиз ва тепаликлар устига ёйилган,
Сенинг қўлинг меники билан тўқнашиб,
Худдий ёнимда бораётган қизники каби,
Офатижон думбаси-ю, алмашинувчи қадамлари, нозик юришлари,
Смола каби қора сочлари бўйни ва елкасига тўкилган,
Қуёш олган бадани ва кулар қўй кўзлари,
Мен сени охиригача симирдим, музика янглиғ титровчи шуъла,
Насилларнинг минг йиллаб ичиши каби.

Эй уйғоқ шаҳар! Элефатрея аталмиш ул,
Майли унинг учун сенинг яра изларинг, девордаги лой,
Бироқ шу дамда ўйнар унинг юзида
Шуъла ва нутқ ашула каби,
Унга дахлсиз ҳуқуқ берилган, қирғоқ бўйлаб оқшом сабр қилишга,
Кўриқчинг ва қуролинг ёғдуси сенинг,
Ва жамласам уларни кўзнинг чуқур тубида,
Берилган унга ҳуқуқ, ширин Озодлик-сен билан ўйин бошламоқ.

Қадирдон оқшом, минг йиллик ёғду,
Ул каби ажойиб, илоҳий хофиз,
Гўзаллик олдида мумкинми, эгмаслик бош,
Сен нималар қилдинг одамлар ва шаҳарни,

Шундай кўринишда, бу жаҳон узилган ерда,
Мен сенинг кулинга айландим, ё-да фуқоранг сенинг,
Ва мен тайёрман охириги томчингача ичмоққа сени,
Ва ҳар онда ўзимга сингдириб сенинг жилваланишинг – озодлигини.

Ричард Беренгартен
Richard Berengarten

Ахмад ҳожи Хоразмий таржимаси
Translated by Akhmad hoji Khorazmiy

interLitQ.org